

Мусхафи шарифнинг навбатдаги адади нашрдан чиқди



09:27 / 25.08.2018 4594

Аллоҳга беадад шукрлар бўлсинки, бугун 25 август куни Қуръони каримнинг навбатдаги 10 минг нусхаси яна “HILOL NASHR” нашриёт-матбаа корхонаси томонидан босилиб, юртдошларимизга ҳавола этилмоқда. Бу жорий йилнинг ўзида учинчи бор босилиши. Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита Мусхафни 50 минг нусхада чоп этишга рухсат берган. Барча нашр қилинган китоб нашриётнинг дўконлари, шунингдек, ҳудудлардаги ҳамкор китоб дўконларига белгиланган ягона нархи - 31 минг сўмдан сотиш шарти билан тарқатилди.

Image not found or type unknown





Image not found or type unknown



Бугун эрта тонгдан “HILOL NASHR” нашриёт-матбаа босмахонаси олдида яна одамлар гавжум бўлди. Аввал хабар берганимиздек, нашриётнинг марказий дўконида Қуръони каримнинг нархи ўзгармаган ҳолда сотилмоқда.

Image not found or type unknown





Image not found or type unknown



Худо хоҳласа, Мусҳафнинг рухсат берилган қолган ададлари ҳам нашрдан чиқарилиб халқимизга етказилади. Зеро Қуръон кириб борган, ўқиладиган ҳар бир хонадонга Аллоҳ таолонинг файз-барокоти ёғилиб туради. Аллоҳ таоло Мусҳафи шарифнинг навбатдаги ададини барча юртдошларимизга муборак қилсин!

Image not found or type unknown



